

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛАНМАГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ 21

«30 » Январ 2012 й.

Нигореев  
(нигар, туман)

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги (Ўзбекистон аюла ва ахборотлаштириш агентлиги) томонидан берилган лицензия, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Устави ва Ишончномаси ҳамда "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Низоми асосида фаолият юритувчи "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали директори М. К. Кофукуров (бундан бўйни "Оператор" деб аталувчи) бир томондан,

Талабнома берувчининг номи:	Юридик шахс (Хусусий тадбиркор) <u>Бончирон</u> <u>тўчончи</u> <u>қышик</u> <u>хўжакиги</u> <u>бўйни</u>
Манзили:	<u>Бончирон</u> <u>тўчончи</u> <u>Бончирон маҳалласи</u> (хусусий турар жой ёки изярага олинган биненинг манзили)
Рахбарнинг лавозими, Ф. И. Ш.	<u>Ф. И. Алоғизов</u> <u>Бончирон маҳалласи</u> (корхона рахбарнинг уй манзили ва телефони)

(буидан бўйни "Абонент" деб аталувчи) иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармогида телефон аюласи хизматларини кўрсатиш Коидалари»га биноан қўйидагилар тўгрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, Абонент эса шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун тўловни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1 А бонситга ажратилган абонент ракамлари рўйхати. 76-37-41-838,

76-37-41-833, 76-37-41-835.

улардан маълумот хизматлари учун

1.2 Абонент (охирги) курилмаси тури, уларнинг сони, ўрнатилиш жойи

(телефон, уяли телефон, модем, факс, телекс, интернет ва бошқалар)

1.3 \_\_\_\_\_ гача хизмат кўрсатилади.

(охирги курилмаси, тақсимлаш шкафи, бино, идоравий АТС...)

1.4 Тўғридан-тўғри симлар

(сони, уларнинг ракамлари)

1.5 Паралель курилмаларнинг сони, раками

1.6 Кўрсатилган хизматлар тўлови бўйича ККС мавжудлиги ЖКС билан

(ККС билан, ККСсиз)

1.7 Абонент тоифаси

Бюджет

(бюджет, хўжалик хисобидаги)

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Оператор қўйнаагиларга мажбур:

2.1.1 Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стандартлари, коидалари ва нормаларига мувофиқ ўз вактида, белгиланган сифат даракасида телекоммуникация хизматларини кўрсатишга.

2.1.2 Абонентнинг станция техник носозликлари ва линия-кабель шикастланишларини бартараф этишга аризаларни кабул килиш, рўйхатга олиш ва уларни 20 кундан ошмаган, норматив муддатларда бажарилишини таъминлашта.

2.1.3 Телекоммуникация тармоги Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, Абонент томонидан таъминалаш бюросига ариза берилган кундан бошлаб, Абонент курилмасининг ишламаган бутун даври учун Абонент тўловларини қайта хисоб-китоб килишта.

2.1.4 Станция ва линия-кабель иншоотларини режадаги реконструкция килиш ишлари натижасида телекоммуникация тармоги вактинча узиладиган холларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари оркали хабардор килишига.

2.1.5 Техник сабабларга кўра, абонент ракамининг ўзгартерилиши тўгрисида тақдим этилганлиги хакидаги хабарнома билан Абонентни ёзма равища ёки оммавий ахборот воситалари оркали 10 кун ичидаги хабардор килишига.

2.1.6 Янги станцияларнинг жорий этилиши ва телекоммуникация тармокларини реконструкция килиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор килган холда, телефон ракамларини бепул алмаштиришига.

2.1.7 Абонентнинг аризасига кўра, аризада келтирилган муддатта ракамин саклаган холда, телефонни вактичча ўчиришига. Бунда ракамин сакланиш вакти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Махаллий телефон алокаси хизматларига вактбай ҳак тўлаш тизимидан фойдаланган холда хисоб варагини чиқаришда ҳак тўланган даврга алоҳида ҳак учун батафсил изоҳланган хисобни тақдим этишга.

2.1.9 Операторда рўйхатта олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эта бўлмаган Абонент томонидан фойдаланиладиган охирги курилмалар (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш курилмаларини, радиотелефонлар, радиоузайтиргичларни, ракамин автоматик аниклагич (РАА) ва хоказо)ни икки томонлама далолатнома тузган холда ўчиришига.

2.1.10 Абонент курилмасини телекоммуникация тармоғидан вактинчалик узиб қўйиш йўли билан телекоммуникация тармоғидан фойдаланишини тўхтатишга:

- Маҳаллий, халкаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоги хизматларига тўловлар, ўчириб қўйишдан олдин 10 кун ичидаги Абонентга бу хакида телефон оркали ёки ёзма хабарнома билан маълум килиниб, белгиланган муддатида тўлланмаганда;

- Абонент томонидан телекоммуникациялар Операторининг коммутация ускуналарини нормал ишлашини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган абонент курилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганида;

- 2.2.7-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузган холда бузилишлар бартараф этилгунга қадар;

Абонент курилмаларининг вактинчалик ўчиришишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳак, шунингдек абонент курилмаси Абонент айби билан ишламаган вакт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча-кундуз ичидаги абонент курилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охирги курилмаларини (телефакс, телекс, модем, видеотекс, интернет, маълумотлар узатиш ва бошкалар) шартномага кўшимчалар киритган холда (7-бўлимга биноан) рўйхатга олишга.

2.1.12 Шартнома шартларига биноан, барча кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун Абонент томонидан тўловлар тўлиқ тўланганда, унинг хошишига кўра шартномани бир томонлама бекор килишига йўл кўйилади. Агар Абонент томонидан тўловлар амалга оширилмаса, шартномани бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди.

## 2.2 Абонент кўйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошка охирги курилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телекоммуникация хизматлари (шу жумладан, тармокларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг кўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоклардан фойдаланилганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганини) учун ўз вактида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ ҳак тўлаш.

2.2.2 Ҳар ойда бир маротаба Оператор билан тўловлар ва қарздорликлар тўгрисида ўзаро солиштирма далолатнома тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телекоммуникация тармоғини ва бошка ускуналарни бут ва соз (ишга ярокли) холатда саклаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алока бузилганини тўгрисида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига телефон оркали ўз вактида хабар бериш. З кунгача носозлик бартараф килинмаганда телекоммуникация боғламаси бошлиги номига ёзма равища мурожаат этиш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равища санани кўрсатган холда, Операторга хисоб ракамларнинг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши хакида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани кайтадан тузиш ёки уни бекор килиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор килингандан сўнг телефон алокаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувлидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижара берувчи ижара шартномасини бекор килар экан, ижаракининг Оператор олдидаги қарзларининг копланишини назорат килади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2.2.6 Оператор ходимларда тегишли, амал килиш муддатига эта бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувахнома, ишларни бажариш учун наряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қоидалар»га ва ушбу шартномага

риоя килишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича гаъмирлаш ишларини бажариш учун рухсат бериши.

2.2.7 Абонент курилмасидан таксофон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан эжратилган телефон ракамлари оркали телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши конунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган холда, Оператор икки томонлама далолатномани расмийлаштириш оркали бузилишлар бартараф этилтунга кадар, Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб кўйиш ҳукукига эга. Кондалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор килинади.

2.2.8 Абонент ўзининг абонент линиясидан ва охирги терминал курилмасидан Интернет тармоғига уланиш учун фойдаланаётган ва жумладан кайта уланиш дастурларига уланган вактдан бошлаб у чикувчи трафикларига ҳам жавобгардир.

2.2.9 Абонент курилмаси сифатида факат сертификатланган курилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган ракамни автоматик аникловчи (РАА) курилмаларни кўлтамаслик.

2.2.10 Ўзбошимчалик билан охирги курилмаларни ўрнатмаслик. параллель телефон аппаратлари ёки бошка радиоалюка, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охирги курилмаларни уламаслик. Ушбу курилмаларни улаш Оператор хабардор килингандан сўнг ва мувофиқлик сертификатига эга бўлганда амалга оширилади.

Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент курилмалари Абонент томонидан ўзбошимчалик билан уланган вактини аниклаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.

2.2.11 Радиотелефонлар ва бошка радиоэлектрон воситаларни (куввати 10мВтдан кўп бўлмаган шнурсиз телефонлардан ташкири) уларни эксплуатация килишга Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ёки унинг ваколатли органидан рухсат олингандан ва Операторни хабардор килингандан кейин абонент курилмаси сифатида улаш.

2.2.12 Телекоммуникациялар тармоқстарининг иш сифатини пасайишига ёки шикастланишига йўналтирилган харакатлар кильмаслик.

### 3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

3.1 Телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш конун ҳужжатларига мувофиқ тасдикланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.2 Телекоммуникация хизматларни учун тўловлар, боғламадаги хисоб-китоб кассаларида, тўловларни кабул килиш ваколатига эга бўлган почта алюка бўлимларида, банк муассасаларида накл пул, пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3 Маҳаллий, шахарлараро ва ҳалкаро телекоммуникация хизматларига тўлов олдинги ой учун тўлов суммасининг 100 фойзи микдорда куйидагича амалга оширилади:

- олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан;

- бевосита хизматлар кўрсатилгандан кейин;

3.4 Маҳаллий тармоқ хизм атларидан фойдалангандик учун тўлов хисобот (жорий) ойининг сўнгги санасидан кечиқтирмасдан амалга оширилиши лозим. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни кабул килиш бир ойдан кам бўлмаган, лескин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.

3.5 Телекоммуникация хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлашда аванс тўловининг суммаси бухгалтерия хисоб-китоби бўйича ойма-ой камайтирилиб борилади.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ошганда, улар юзасидан хисоб-китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганилиги тўғрисида эълон килингунгача амалга оширилган бўлса, аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.6 Маҳаллий (хизматларга ҳақ тўлашнинг вактбай тизими), ҳалкаро ва шахарлараро телекоммуникация хизматларидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдалангандик учун тўловни ҳам кўшганла, тўлов хисоб варакасида кўрсатилган санадан бошлаб, 15 кун муддат ичida амалга оширилади.

3.7 Абонент хисобот давридан кейинги бир ой ичida телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон ўчирилган вакт учун карзини тўламаса ёки 2.2.7-банд тақрор бузилса, Оператор телефон ракамини олиб кўйиш ва бу хақда Абонентни ёзма равишда камида 10 кун олдин топширилганилиги тўғрисидаги хабарнома билан хабардор килиши оркали шартномани бир томонлама бекор килишга ҳаклиdir. Телефон ёки бошка курилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга кўра, шартнома бекор килинган даврдаги Абонентнинг хисобидаги карзлари узилгандан кейин 12 ой ичida тариф бўйича ўрнатиш ҳакининг 50 фойзи тўланғандан сўнг амалга оширилади. Бу холатда умумий асосда янги телефон раками берилади.

3.8 Автоматик маҳаллий (телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлашнинг вактбай тизимида), ҳалкаро ва шахарлараро телекоммуникация хизмати ҳақи тўланадиган сўзлашув вакти чакирилаётган тармоқ оркали жавоб берган ҳар кандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб хисобланади. Агар телефонга уланган кандайдир техник курилма (факс, автожавоб берувчи, 2РАА ва хоказо) билан уланиш ҳолларида, ҳақ тўланадиган сўзлашув вакти курилма билан уланиш пайтидан бошлаб хисобланади.

3.9 Абонент тұланиши лозим бүлгап суммадан, сүзлашув давомийлиги ёки сүзлашувнинг унга тегишилигидан норози бүлгапта, хисоб варагини олғандан кейин 45 кун давомида ёзма равиша шикоят аризасини бериш хукукига эга. 45 кун үтгандан кейин даъвалар кабул килинмайды. Абонент текшириш натижаларидан норози бүлса судга мурожаат килиш хукукига эга.

3.10 Шартноманинг 3.9-бандини текшириш үтказилаётган вактда телефон уланган бўлиши керак.

3.11 Телекоммуникация охирги курилмалари Абонентнинг айби билан ишламаган вакти учун абонент тўлови тўлиқ микдорда ундирилади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Томонлар шартнома шартларини бузганда жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси»га, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўгрисида»ги конунларга, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармогида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш Коидалари»га ва амалдаги бошка конунларга шунингдек ушбу шартномага мувофик белгиланади.

#### 5. ЭЪТИРОЗ ВА ДАЪВОЛАР

5.1 Шартнома шартлари талаб даражасида бажарилмаганда Томонларнинг эътироуз ва даъволари ўзаро келишув йўли билан келишув бўлмаганда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари асосида суд органлари оркали кўриб чикилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши Томонларнинг таъсири ва истакларига боғлик бўлмаган, вактинча ёки ўзок вакт шартномани зарур даражада амалга оширишга халакит берадиган вазиятлар содир бўлгандা, яъни табиий оғатлар, нокурай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошка ҳолларда, юкорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар шартнома мажбуриятларини бузган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон, иккинчи томонни юкоридаги ҳолатларнинг юзага келганилиги тўгрисида 10 кун муддат ичилади телефон ва оммавий ахборот воситалари оркали хабардор килиши лозим.

6.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳакида ўз вактида хабар берилмаса, содир бўлганидан ёки бартараф этилганидан 15 кун муддат ўтган бўлса, кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаганлигига, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

#### 7.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1 Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилиги билан ёзма равиша қўшимча келишув тартибida амалга оширилади ва томонларнинг имзои ҳамда мухри билан тасдикланади.

7.2 Томонлар ўртасидаги шартнома шартларига киритилган ўзгартариш ва қўшимчалар унинг ажралмас кисми бўлиб колади ва келгусида уларга амал килиш мажбурийдир.

7.3 Шартнома томонларнинг келишувига кўра, «Коидалар» ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида белгиланган бошка ҳолларда кайта тузилиши мумкин.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 201 \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» гача амал килади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига 10 кун к олганда, томонлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўгрисидаги ёзма мурожаати бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати кейинги йилларда хам ўзайтирилган деб хисобланади.

8.2 Шартнома кўйидаги ҳолларда муддатидан оддин бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганда;
- «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармогида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш Коидалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида белгиланган бошка ҳолатларда.

#### 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### ОПЕРАТОР

Сурхондарё вилояти  
Худжарц тумани  
индекс, почта манзили, телефон, факс  
х/р 2040 000 904 074 838 413  
Банк 0040 Алоқабонк  
Код  
СТИР 203366781  
ХХТУТ



##### АБОНЕНТ

Бончигон қўшик  
хужжати бўлини  
индекс, почта манзили, телефон, факс  
х/р 100022260599 037042 96008200

Банк \_\_\_\_\_

Код \_\_\_\_\_

СТИР 207313407



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# 'GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240

№ 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTÈLEKOM"

yuridik shaxsga berildi

Tashkiliy-huquqiy shakli:	Ochiq aksiyadorlik jamiyatি	THSHT (ОПФ) 1150
Mulkchilik shakli:	Aksiyadorlar	MSHT (ФС) 144
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:	A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY	MHBT (COATO) 1726266
Yuridik shaxs kodи:		KTUT (OKNO) 17820078
Asosiy faoliyat turi:	Elektr va radio aloqasi	XXTUT (OKOHH) 52300
Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:		STIR (ИИИ) 203366731

Qo'shimcha ma'lumotlar: AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI  
1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i:

S.M.Tairshikov

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DALVAQELASH UZBEKISTON  
O'ZBEKTÈLEKOM  
TA QIZIRIO  
TELEKOMMUNIKATSİYA  
EGOLLAMASI

